

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АДИЗОВ САНЖАР РАШИДОВИЧ**

**СОЛИҚ ЮКИНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРГА**  
**ТАЪСИРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШТИРИШ**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Содержание автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Economics Sciences**

**Адизов Санжар Рашидович**

Солиқ юкининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини  
моделлаштириш ва прогнозлаштириш ..... 3

**Адизов Санжар Рашидович**

Прогнозирование и моделирование влияния налоговой бремени на  
макроэкономические показатели ..... 25

**Adizov Sanjar Rashidovich**

Forecasting and modeling the influence of a Tax burden on  
macroeconomic indicators ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc. 27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АДИЗОВ САНЖАР РАШИДОВИЧ**

**СОЛИҚ ЮКИНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРГА**  
**ТАЪСИРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШТИРИШ**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Iqt30 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (tdiu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Махмудов Носир Махмудович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ғулломов Саидахроп Саидахмедович**  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуллаев Ёрқин Абдуллаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Урганч давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгашининг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail:tdiu@tdiu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail:tdiu@tdiu.uz

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Б.Ю. Ходиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**А.Н. Самадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Р.Х. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон амалиётида солиқ юкини оптималлаштириш, фискал сиёсатнинг самарадорлигини ошириш бўйича муаммоларнинг илмий ечимини топиш юзасидан мақсадли илмий изланишлар давом эттирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий ўсиш кўрсаткичларидаги улушини оширишда солиққа тортиш механизмининг таъсир доираси юқори бўлиб, солиқлар орқали давлат улар фаолиятини тартибга солиши ёки мақсадли тарзда рағбатлантириши мумкин. Жумладан, «АҚШда тижорат фойдасига нисбатан кичик бизнес субъектлари зиммасидаги солиқ юки даражаси 46,3 фоизга, Европа Иттифоқи мамлакатларида ўртача 42,0 фоизга, Ҳиндистонда 62,8 фоизга, Хитойда 63,7 фоизга, Бразилияда эса 68,3 фоизга тенг бўлмоқда»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатини белгилашда солиқ юкининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсири прогнозларини ишлаб чиқишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Аммо мамлакатимизда давлат бюджети солиқли даромадларини прогноз қилиш механизмининг мукамал эмаслиги, бюджет ташкилотларига етарлича маблағлар ажратилмаслиги оқибатида давлат хизматларининг сифати пасайишига олиб келди. Давлат бюджети маблағларидан оқилona фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор берилган ҳолда «Давлат бюджети ўлчовсиз эмас, маблағларни қаттиқ тежаш, белгиланган мақсад учун ва оқилona ишлатишни таъминлаш зарур»<sup>2</sup> лигига оид эътирофнинг нақадар ўринли эканлигини қайд этиш мумкин. Шунинг учун ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида «Бюджет даромадлари ва харажатларининг халқ учун очик ва ошкора бўлишини таъминлаш»<sup>3</sup> бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Жаҳонда бюджет-солиқ сиёсати орқали бозор иқтисодиётини тартиблаштириш натижасида аҳоли турмуш фаровонлиги ошиши, макродаражада барқарор иқтисодий ўсиш таъминланмоқда. Бу сиёсат солиқ юкини тўғри ва аниқ белгилашга асосланади ва унинг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини таҳлил қилиш ва истикболни прогнозлаш иқтисодиёт назарияси ва амалиётида муҳим ўрин тутуди ҳамда ундан ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсиш усули сифатида

<sup>1</sup>The World Economic Forum: World Competitiveness rep. 2014–2015.

<sup>2</sup>Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиш керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 31 б.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 йил 29 январь, 4-сон, 68-модда

фойдаланилади. Солиқ юкининг макроиктисодий кўрсаткичларга таъсирини сифат ва миқдор нуқтаи назаридан таҳлил қилиш мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш истиқболларини белгилаш, аҳолининг моддий фаровонлигини узлуксиз оширишга қаратилган вазифалар доирасида ишлаб чиқилувчи стратегиялар ҳамда амалга ошириладиган ислохотлар самарадорлигини таъминлаш мумкин бўлади. Бу эса мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора тadbирлари тўғрисида»ги фармонлари ва мазкур соҳага тегишли Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 январдаги «Бюджетга тўловлар келиб тушишининг кўрсаткич прогнозлари бажарилгани ҳамда кўшимча даромадлар аниқлангани ва ундириб олингани учун молия ва солиқ органлари раҳбарлари, мансабдор шахсларни рағбатлантириш ва уларга нисбатан моддий жавобгарлик чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бозор иқтисодиётида давлатнинг монетар ва бюджет-солиқ сиёсати макроиктисодий барқарорликни таъминлашда етакчи дастаклардан бўлганлиги боис мазкур муаммо иқтисодчи олимлар томонидан ҳар томонлама тадқиқ этилган, аммо илмий мунозаралар солиқ юкининг макроиктисодий кўрсаткичларга, жумладан, иқтисодий ўсишга таъсири ҳамон сезилмоқда. Мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида бюджет-солиқ сиёсати, солиқ юкининг макроиктисодиёт билан ўзаро алоқадорлиги муаммолари хорижий иқтисодчи олимлар, жумладан А. Лаффер, Г. Ловренс, Г.Р. Зодров, П. Миесковски, Л. Давид, Г. Блоджет, Питер Мидил, К. Макконел, Симон Ненбии, Баро, Чеперу, Сирквин, Лапду, Дайомонд, Лонже, Одусола, Экпо, Стотски, Волдемарим, Пианкастелли, Элтони, Наги, Хансон, Тиирининг тадқиқотларида ўз аксини топган<sup>4</sup>.

<sup>4</sup>George Lawrence, «Forms of taxation»

Zodrow G.R., The Property tax incidence Debate and the Mix of State and local Finance of Local Public expenditures (2008), citing Fischel, Regulatory talkings: Law, Economics and Politics (1995)

Zodrow G.R., Mieszkowski P. «The incidence of the Property Tax. The Benefit view vs. the new view.» In local Provision of public services: The tiebout Model after twenty-five years. 1983. New york: Academic press. 109-29

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Е. Балацкий, А. Дробозина, Б. Рагозин, В. Белостоцкая, Д. Черник, В.Князев, В.Радионова ва бошқаларнинг илмий асарларида солиқларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни ва аҳамиятига доир масалалар хусусида фикрлар юритилган<sup>5</sup>.

Макроиктисодий барқарорликка эришишда солиқ юкини оптималлаштириш масалалари республикаимиз иқтисодчи олимларининг илмий қизиқишлари предмети бўлиб келмоқда. Жумладан, мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан М.И.Алимардонов, А.А.Набиходжаев, Э.Ф.Гадоев, А.С.Жўраев, Ж.Р.Зайналов, Т.С.Маликов, Қ.А.Яҳёев, Н.Х.Ҳайдаров, Ш.А.Тошматов, Б.Э.Тошмуродова, Б.Р.Санакулова, С.С.Ғуломов, В.Қобулов, Т.Ш.Шодиев, Р.Х.Алимов, Б.Ю.Ходиев, Н.М.Махмудов, О.М.Абдуллаев, Б.Т.Салимов, С.К.Салаев ва С.В.Чепелнинг илмий изланишлари маълум макроиктисодий кўрсаткичларни иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогнозлаштириш масалаларини ҳал этишга қаратилган<sup>6</sup>.

Юқоридаги олимларнинг бир гуруҳи ўз тадқиқотларида солиқ юкини назарий жиҳатдан ўрганишни назарда тутган бўлса, иккинчи гуруҳи иқтисодий жараёнларни математик моделлаштиришга бағишлаган. Мазкур тадқиқот ишида эса шу икки масала мужассамлаштирилиб, солиқ юкининг макроиктисодий кўрсаткичларга таъсири моделлаштирилган ва прогнозлаштирилган.

---

Leonhardt David, (September 15, 2012) «Do tax cuts Lead to economic Growth?». nytimes.com (The new york times company). Retrieved 16 April 2015.

Blodget Henry (September 21, 2012), «Bombshell: New study destroys theory that tax cuts spur Growth». www.businessinsider.com (Business Insider, Inc.). Retrieved 16 April 2014

International Burdens of the corporate income Tax (<http://www.cbo.gov/ftpdocs/75xx/doc7503/2006-09.pdf>)

The Tax Foundation – Who Really Pays the Corporate Income Tax?

(<http://www.taxfoundation.org/blog/show/1467>)

International Journal of Economic Development Research and Investment. Vol.2. № 1, April 2011

<sup>5</sup>Балацкий Е. Лафферовы эффекты и финансовые критерии экономической деятельности//МЭиМО.-М.: 1997.- №11.стр.31-43.; Мэнкью Н.Г.Принципы экономики.– СПб.: Питер Ком,1999., - с.356; Петти У. Трактат о налогах и сборах. Слово мудрым. Разное о деньгах. – М.: Ось-89, 1997., - с.346; Рикардо Д. Начала политической экономии и налоговогообложения. Сочинения, том I. Государственное издательство политической литературы. .; Белостоцкая В.А.Системный подход к измерению налоговой нагрузки//–М.: Финансы.,2003. – №3.-с.36-37.; Кирова Е.А. Методология определения налоговой нагрузки на хозяйствующие субъекты//–М.: Финансы. 1998., №9.–с.30-32.; Титов В.В. Влияние налоговой системы на эффективность деятельности предприятия//–М.: Финансы. 2006.-№2.-с.42-46.; Черник Д.Г., Налоги.4<sup>00</sup> издание – М.: Финансы и статистика, 2000., - с. 430.;

<sup>6</sup>Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари.–Т.: Академия, 2000.,-276 б.; А.Пардаев ва Б.Азимов. Корхоналар фаолиятини солиқлар воситасида бошқариш.–Т.: Zar qalam. 2005.,-68-б.; Раджапов У.А. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида солиқ механизмини такомиллаштириш. и.ф.н.ил.дар.ол.ёз.дисс. автореферати.-Т., 2006-24-б.; Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми: Монография.–Т.: Янги аср авлоди, 2002.,-127 б.; Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003.,-247 б.; Ҳайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари.и.ф.д.ил.дар.ол.ёз.дис.автореферати. -Т., 2003.,-34 б. Б.Р. Санакулова, Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш, 08.00.07 – Молия. Бухгалтерия ҳисоби, докторлик диссертацияси автореферати Тошкент – 2016, Тўраев Ш. Хўжалик субъектларининг солиқ юкини оптималлаштириш масалалари. и.ф.н.ол.уч. дис.Қўл. ҳуқ. ББК: 65.9 (5У)261.3.-91 б; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли: Монография –Т.: Fan va texnologiya, 2008.-204 б.; Ғайбуллаев О.З. Солиқ юкини баҳолашни такомиллаштириш масалалари. и.ф.н.ил.дар.ол.ёз. дисс.автореф.–Т., 2004.,-20 б. Н.Махмудов, М. Асқарова Макроиктисодий таҳлил ва проноз қилиш. Дарслик. -Т.: Фан ва технология, 2014 й.-315 бет.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режаларининг ФМ-1 «Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлаштиришнинг илмий-методологик асослари ва усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал лойихаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилувчи солиқ юкининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

солиқ тизимининг миллий иқтисодиётдаги эволюциясини ёритиш ҳамда функцияларини барқарор иқтисодий ўсиш нуктаи-назаридан аниқлаштириш;

солиқ юки иқтисодий категориясини макродаражада таҳлил қилиш услубиятини тизимлаштириш, жумладан, математик моделлаштириш усулларини такомиллаштириш, бюджет-солиқ тизимини муқобиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

солиқ юкининг макроиқтисодий кўрсаткичлар (иқтисодий ўсиш, давлат харажатлари, экспорт, импорт, таркибий ўзгаришлар) билан алоқадорлигини тизимли тадқиқ этиш, иқтисодий баҳолаш ва мақбуллаштирилган прогнозлаш услубиятини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги макроиқтисодий ўсиш динамикасига солиқ юкининг таъсирини миқдорий кўрсаткичлар орқали таҳлил қилиш, ривожланиш тенденциясини моделлар ёрдамида тасвирлаш, омилларнинг эластиклик коэффициентларини аниқлаш;

Ўзбекистонда солиқ юкининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини оптималлаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасининг бюджет-солиқ тизими ва макроиқтисодий кўрсаткичларнинг таркибий элементлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предметини** Ўзбекистон Республикаси бюджет-солиқ сиёсати, унинг шакллари ҳамда солиқ сиёсат таркибига кирувчи солиқ юки билан боғлиқ молиявий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Олиб борилган тадқиқотлар жараёнида солиққа доир тўпланган статистик маълумотларни қайта ишлаш, қиёсий таҳлил қилиш, гуруҳлаш, макроиқтисодий жараёнларни математик ва эконометрик моделлаштириш, прогноз қилиш ҳамда сценарий усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотининг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси бюджети даромад қисмининг йиғилувчанлик даражасини ошириш мақсадида солиқ юки фоиз ставкасининг энг оптимал чегаралари аниқланган;



бюджет-солиқ тизими билан боғлиқ ялпи ички маҳсулот, экспорт, импорт, бюджет харажатларининг эконометрик моделлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасида солиқ юкини пасайтириш макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўсишига олиб келиши асослаб берилган;

солиқ юки иқтисодий категориясига инновацион тараққиётга чорловчи сифат кўрсаткичларга эришиш нуқтаи назаридан ёндашилиб, унинг қисқа (3 йиллик) ва ўрта (5 йиллик) муддатли барқарор ўсишдаги роли асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бюджет-солиқ тизими билан боғлиқ ялпи ички маҳсулот, экспорт, импорт, бюджет харажатларининг эконометрик моделлари ишлаб чиқилган;

ҳар бир омилнинг эластиклик коэффициенти ҳисоб-китоби асосида истиқболда солиқ юкининг сценарийлари тузилган;

солиқ юкининг 1 %га ўзгариши ялпи ички маҳсулотнинг 270,8 млрд.сўмга ўзгаришига олиб келиши аниқланган;

диссертация мавзуси бўйича ёзилган монографиялардан ўқув жараёнида фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтгани, олинган натижаларнинг ушбу йўналишдаги жорий иқтисодий назарияларга мослиги ва ваколатли вазирлик, тузилма ва ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти оқилона бюджет солиқ сиёсатини шакллантириш услубияти ишлаб чиқилганлиги ва қўлланилганлиги бўлиб, у эконометрик моделлардан фойдаланиб, солиқ ставкалари орқали макроиктисодий кўрсаткичларни бошқариш, иқтисодий ўсишни барқарорлаштиришга, иқтисодиётимиздаги солиқ юкини муқобиллаштириш орқали турли мулкчилик шаклларидаги корхона ва ташкилотларда инвестицион фаолликни ошириш, истеъмолчилар ва мулк эгаларини иқтисодий рағбатлантириш эвазига уларда ишлаб чиқиладиган товар ва хизматларнинг сифат даражасини ошириш имконини беради. Тадқиқот натижаларидан макродаражада қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланган бюджет-солиқ сиёсати дастурларини ишлаб чиқиш, солиқ юки миқдорини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда прогнозлашда қўллаш орқали иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, инновацион тараққий эттириш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган қарорлар қабул қилишда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти микро ва макродаражада солиқ юкини ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва мулк эгалари ўртасида тўғри тақсимлаш, давлатнинг бошқарувга сарфланувчи харажатларини муқобиллаштириш имконини беради. Шунингдек, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган икки босқичли тизимли бир ва кўп омилли эконометрик моделлар ёрдамида солиқ юки билан бошқа

макроиктисодий кўрсаткичларнинг боғлиқлиги, унинг иқтисодий ўсишга таъсирини миқдорий ўлчаш, эластиклик коэффициентларини аниқлаш, омилларнинг мутлақ ва нисбий таъсири, оптимал комбинациясини тузиб, солиқ юкининг келгуси даврлардаги сценарийларини прогнозлаш мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижалари Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент Молия институтлари ва Ўзбекистон Республикаси Солиқ академиясида «Солиқ юки таҳлили», «Иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш», «Солиқлар ва солиққа тортиш» фанларини ўқитиш жараёнида қўлланилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Солиқ юкининг макроиктисодий кўрсаткичларга таъсирини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

иқтисодий-математик усуллар қўлланилган ҳолда бюджетнинг даромад қисми йиғилувчанлик даражасини ошириш мақсадида Лаффернинг солиқ йиғилувчанлиги ҳақидаги назариясига кўра солиқ юки фоиз ставкасининг энг оптимал чегаралари 19-22 % эканлиги аниқланган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 18 январдаги 16/1-01487-сон маълумотномаси). Ҳар бир омилнинг эластиклик коэффициенти ҳисоб-китоби асосида истиқболда солиқ юкининг сценарийларини тузиш орқали уч йиллик прогнозлаш тўғрисидаги таклифлари Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ салоҳияти ва солиқ юкини республика ҳудудлари кесимида ҳисоб-китоб қилиш ва даромадлар тушумини прогнозлаш борасида таклифлар тайёрлашда фойдаланилди;

бюджет-солиқ тизими билан боғлиқ ялпи ички маҳсулот, экспорт, импорт, бюджет харажатларининг эконометрик моделлари ишлаб чиқилган ва улар асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган таклифлар киритилган (Бухоро вилояти давлат солиқ бошқармасининг 2018 йил 22 январдаги 10/3-00539-сон маълумотномаси). Натижада солиқ юкининг бир фоизга ўзгариши ЯИМнинг 270,8 млрд.сўмга ўзгаришига олиб келиши аниқланди;

2000-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг йиғилувчанлик динамикаси ва унинг даражасига таъсир этувчи омиллар таҳлили, шунингдек, ҳар бир омилнинг эластиклик коэффициенти ҳисоб-китоби асосида истиқболда солиқ юкининг сценарийларини тузиш орқали уч йил муддатга прогнозлаш бўйича берилган таклифи Молия вазирлиги амалиётида фойдаланиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 18 январдаги ММ/04-02-32-04/44-сон маълумотномаси) Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши солиқларнинг йиғилувчанлигини 1,5-1,8 фоизга ошириш имконини берди;

«солиқ юки» тушунчаси Тошкент давлат иқтисодиёт университетида тегишли тартибда чоп этилган «Солиқ юки таҳлили» номли ўқув қўлланманинг (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан рўйхатга олинган, рўйхат рақами 137027) 3-мавзуси (Солиқ юкини макродаражада ҳисоблаш методикаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари)ни ва 4-мавзуси

(Макроиктисодий кўрсаткичлар ва солиқ юки муаммолари)ни ёритишда фойдаланилди;

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Давлат илмий-техника дастури доирасида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф-4-45 «Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимланиши эконометрик моделлаштириш услубиятларини такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада солиқ юки иқтисодий категориясига инновацион тараққиётга ундовчи сифат кўрсаткичларга эришиш нуқтаи назаридан ёндашилиб, унинг қисқа муддатли барқарор ўсишдаги роли ҳамда барқарор ўсишдаги моҳияти назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 5 октябрдаги ФТА-02-11/201-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши 2030 йилгача бўлган муддатда миллий иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси ва инновацион тараққиёт йўлига ўтишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишда фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола (9 та республика ва 1 та хорижий журналларда) ва илмий-амалий анжуманларда 11 та маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишларва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Солиқ юкининг макроиктисодий кўрсаткичларга таъсирини моделлаштириш ва прогнозлаштиришнинг назарий ва амалий асослари**» деб номланган биринчи бобида фискал – бюджет сиёсатининг назарий асослари, унинг иқтисодий ўсишга таъсири ҳақидаги илмий қарашлар, макроиктисодий кўрсаткичлар билан солиқ юки категориясининг алоқадорлиги ва солиқ юкини тартиблаштиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси тадқиқ этилган.

Бозор иқтисодиётида давлат монетар ва фискал сиёсатини юритиш орқали иқтисодий ривожланишни тартибга солади. Фискал сиёсатнинг негизида давлатнинг солиқ сиёсати ётади. Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, солиқ ишларини юритиш тартиботи ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, Солиқ Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни каби қонун ва қонуности ҳужжатлари орқали тартибга солинади.

Солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бошқа қонунлари ва қонун ҳужжатларидан ўрин олган нормалари Солиқ Кодексига мувофиқ бўлиши лозим. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Солиқ Кодексидан бошқача қоидалар белгиланган ёки назарда тутилган бўлса, унда халқаро шартнома қоидаларида белгиланган шартлар амалда қўлланилади. Солиқ солиш – юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан қатъи назар, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади.

Солиқ ислохотларини амалга оширишнинг асосий мақсади макроиқтисодий самарадорликка эришиш ҳисобланиб, давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда хизмат қилувчи юқорида келтирилган бир қатор дастаклардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади. Лекин бу дастаклар иқтисодий ривожланишга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши муаммоси мавжуддир. Улардан фойдаланишда эҳтиёткорлик чораларини кўриб, бу дастакларнинг иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир этишида унинг таъсирчанлигини ошириш муаммосини ҳал этиш лозим.

Солиқ сиёсатининг макроиқтисодий ҳолатга таъсири кучли бўлиб, мамлакатда яратиладиган ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг ўзгариши солиқ сиёсатининг самарасига бевосита боғлиқ. Солиқ сиёсатининг макроиқтисодий ҳолатга таъсирини солиқларнинг ялпи талаб ва ялпи таклиф, инвестицион муҳит, истеъмол ва иқтисодий барқарорликка таъсири билан баҳолаш мумкин. Шу асосда бутун мамлакатнинг солиқ салоҳиятини ҳисоблаш барча солиқ суммаси ва суғурта бадалларининг мажмуи сифатида ҳисоблаш солиқ юқини ҳисоблашда ёлланган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашда ҳар бир сўмга барча солиқлар суммаси, шунингдек, солиқ юқи салмоғи, ялпи қўшилган қиймат салмоғи улуши билан белгиланиб, уни аҳолининг солиқ юқи коэффициентига тузатиш киритиш таклиф этилади.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйланган изчил солиқ ва пул-кредит сиёсатини амалга ошириш орқали таъминланади. Ушбу сиёсат, авваламбор, иқтисодиётда солиқ юқини камайтириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида унинг рағбатлантирувчи родини кучайтиришга қаратилади. Биринчи навбатда амалга оширилувчи вазифалар қаторига даромад солиғи ставкасини 7,5 фоизга камайтириш киради. Шу билан бирга, қурилиш соҳасида фаолият

юритаётган корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси, саноат корхоналарида бўлганидек, 6 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Юқорида кўриб чиқилган солиқ юкини ЯИМдаги солиқ улуши сифатида ҳисоблаш методологияси жуда оддий ва тушунарлидир. Шунинг учун у хорижий мамлакатларда кенг қўлланилади. Айти пайтда, бу методология турли ишлаб чиқариш тармоқлари ва иқтисодиётнинг турли секторларига мансуб бўлган корхоналар учун, уни таққослаб, микродаражадаги солиқ юки даражасини тадқиқ этиш имконини бермайди.

Солиқлар юкининг пасайиши  $\Delta T$  мувозанат даромад даражасига таъсир кўрсатади ва ихтиёрда бўлган  $U-T$  даромад ва истеъмолга  $MPC \cdot \Delta T$  миқдорда таъсир қилади. Бу ерда  $MPC$  (Marginal Propensity to Consume) – даромаднинг сўнгги истеъмолчи мойиллиги дейилади. Давлат харажатларининг ўзгариши даромадга мультипликатив таъсир этилгани сингари солиқлар юки пасайиши ҳам унга мультипликатив таъсир кўрсатади. Юқорида таъкидлаганимиздек, давлат харажатларининг дастлабки ўзгариши  $1/(1-MPC)$  сингари солиқлар юкининг ўзгариши эса  $\Delta U/\Delta T = -MPC/(1-MPC)$  га тенг бўлади. Бу тенглик солиқ мультипликатори бўлиб, солиқ юки бир сўмга ўзгарганда аҳоли ихтиёридаги даромади неча бирликка ўзгаришини кўрсатади. Агар Ўзбекистон Республикаси учун  $MPC$  ни 0.65 деб қабул қилсак, солиқ мультипликатори

$$\Delta U/\Delta T = -0.65/(1-0.65) = -0.65/0.35 = -1.82$$

Демак, солиқ юкини бир сўмга пасайтирсак, миллий иқтисодиётдаги мувозанати даромад даражасини 1.82 сўмга оширади. Бу Рикардо тенглиги, ёки бошқача айтганда, фискал сиёсатининг аҳоли истеъмолига таъсири.

Истеъмолчилар узоқни кўзлаб иш тутадиларми ёки қисқа даврними..? Агар узоқ муддатни кўзлаб харид қилувчи истеъмолчилар бўлса, уларнинг хатти-ҳаракати фақат даромад эмас, бошқа омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Бундай ҳолда назарий жиҳатдан Франко Модиглианининг «ҳаёт даври» гипотезаси тадқиқотга дахлдор бўлади.

Иқтисодиёт назариясига биноан солиқлар ставкасини пасайтириш қисқа муддатда истеъмолчиларнинг кўпроқ харид қилишини рағбатлантиради ва миллий жамғариш даражасини пасайтиради. Жамғарма миқдорининг пасайиши фоиз ставкаларини оширади, бу ўз навбатида инвестиция миқдорини пасайтиради. Роберт Солоу моделига биноан паст миқдордаги инвестициялар, одатда, паст даражадаги капитал қўйилмаларнинг мувозанат ҳолатига мос келади ва натижада паст ишлаб чиқариш даражасини тақозо этади.

Агар иқтисодиёт «олтин» қоидага мос келувчи мувозанат капитал захирасидан паст даражадаги ҳолатдан ривожланишни бошлаган бўлса, паст даражадаги капитал захираси паст даражадаги истеъмолни, демак паст даражадаги аҳоли фаровонлигини таъминлайди. Солиқ юкини ўлчашда икки тоифадаги усуллар қўлланилади: статистик аҳоли сони билан давлат солиқларини қиёслаш: ўртача ҳар бир аҳолига тўғри келувчи солиқ юки;

иккинчи усул ҳар бир аҳолига тўғри келувчи солиқ юкини ўртача даромади билан таққослаш; солиқ юки шундай функцияки, у солиқ мажбуриятлари ва солиқ тўлаш қобилиятидан иборат. Тўланган солиқни солиқ тўлаш қобилиятига нисбатини солиқ даражаси деб атаймиз. Прогрессия, пропорционал ва регрессив солиқ ставкалари<sup>7</sup>

$$w' = ax^b$$

Бу ерда

W-ҳақиқий солиқ даражаси;

X - солиқ тўлаш қобилияти;

b-прогрессия коэффициенти;

бир хил солиқ юки  $T = \frac{w}{w'} - \frac{w}{ax}$

Микродаражада солиқ юкини истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи корхонага тақсимлаш формуласи. Агар  $PED = PES$  бўлса, солиқ юки истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчига тенг тақсимланади:

истеъмолчига:  $\frac{PES}{PES - PED}$ ;

ишлаб чиқарувчига:  $-\frac{PES}{PES - PED}$ .

Товарга солиқ жорий этилиши бозор нархининг ўзгаришига олиб келади ва  $P$  шаклидаги солиқсиз нарх  $P'$ солиқ туфайли ортган нархга айланганлиги туфайли товарга талаб  $Q_0$  дан  $Q_1$  гача пасаяди. Агар истеъмолчининг талаби нархга нисбатан эластик бўлса, талаб миқдори анча пасаяди. Ишлаб чиқарувчининг таклифи нархга нисбатан эластик бўлмагани учун нарх ўзгармайди. Ишлаб чиқарувчи солиқ юкини истеъмолчига ўткази олмани учун солиқ юки тўла ишлаб чиқарувчи зиммасига тушади. Солиқ юки асосан талаб ва таклифнинг нарх эластиклиги даражасига боғлиқ.


Солиқ юкини пасайтириш давлат харажатларининг оптимал ҳолатда бўлишини тақозо этади. Агар солиқ юкини пасайтириш давлат бюджетдаги дефицит билан боғлиқ бўлса, у кўпгина салбий оқибатларга олиб келади. Жумладан, солиқ юкини пасайтириш истеъмолчилар харажатларини рағбатлантиради. Юқори даражадаги истеъмолчилар сарфи иқтисодиётнинг қисқа ва узоқ муддатдаги ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Қисқа муддатда истеъмолчиларнинг юқори даражадаги сарфи уларнинг товар ва хизматларга талабини ошириш ва охир-оқибатда ишлаб чиқариш даражаси ва аҳоли бандлик даражасини ошириши мумкин.

Инвесторлар кам жамғармаларни жалб қилиш учун рақобат кураши туфайли фоиз ставкаси ошириши мумкин. Юқори фоиз ставкалари ички инвестицияни рағбатлантирмаганлиги туфайли хорижий капиталнинг мамлакатга оқими кучаяди. Миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан

<sup>7</sup> Alan S. Donxanoe. measuring Tax Burden. A Study of the Tax Burden in Ohio in Comparison with Other States (Ohio: Department of Taxation, 1946).

қадри ошади ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг дунё бозоридаги рақобат даражаси пасаяди. Узоқ муддатда солиқ юки пасайишида ҳосил бўлган паст даражадаги миллий жамғариш паст капитал қўйилмалар захираси ва юқори хорижий қарзларга олиб келиши мумкин.

Жаҳон статистик маълумотларига кўра аксарият ривожланган ҳамда ривожланаётган давлатларда, солиқ юки даражаси 29-50 фоизни ташкил этаётганини кузатиш мумкин. Хусусан, энг ривожланган давлатлар ҳисобланган АҚШ, Италия ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти ИХРТга аъзо аксарият Европа Иттифоқи давлатларида солиқ юки даражаси республикамиздаги даражадан анча юқори (1-расм).



1-расм. Жаҳон мамлакатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги солиқ юки фоиз ставкаси, %

Ҳозирги кунда Италия, Греция, Исландия давлатларида бюджет тақчиллиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш йўли сифатида солиқ юкини оширишга оид таклифларнинг ушбу давлатларнинг парламентлари томонидан маъқуллангани жаҳон бозори конъюнктурасига жиддий таъсир этиши прогноз қилинмоқда.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда солиқ юкининг макроиктисодий кўрсаткичларга таъсирини эконометрик моделлаштириш» деб номланган иккинчи бобида солиқ юкининг макроиктисодий кўрсаткичларга таъсирини аниқлаш услубияти, уни такомиллаштириш методологияси, солиқ юкининг макроиктисодий кўрсаткичлар билан алоқадорлигини баҳолашнинг математик моделлари кўриб чиқилган.

Солиқ юкининг макроиктисодий жараёнларга таъсирини тадқиқ этишда эконометрик усул ва моделлар ишончли илмий восита бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, эконометрик усул ва моделлар макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда макроиктисодий таҳлил мақсадидан келиб чиққан ҳолда макродаражадаги тадқиқотларда қўлланилади. Эконометрик модель мукамал ва катта бўлмаслиги лозим, акс ҳолда ундан амалда фойдаланиш қийинлашади. Шунинг учун моделга энг асосий омилларни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, макроиктисодиётда солиқ юки икки томонлама характерга эга бўлиб, жумладан билвосита солиқлар юкининг охири истеъмолчига бориб тушади, деб ҳисоблаш нотўғридир. Биринчидан, билвосита солиқларнинг ўсиши товарнинг нархини оширади, бу эса ўз навбатида сотиб олувчи корхоналарнинг талаби қисқаришига олиб келади. Натижада таклиф мос равишда қисқаради, бу эса реал солиқ базаси камайишига олиб келади. Иккинчидан, давлат томонидан ишлаб чиқариш соҳасидаги молиявий қийинчиликлар даврида билвосита солиқларнинг ҳаддан ортиқ солиқ юки тўланмаган ҳисоб тўловлари ва бюджетга тушмаган тушумлар кўпайишига олиб келади, шу сабабли, билвосита солиқ юкини товарларни аҳолига сотишда истеъмол солиғини (сотишдан солиқ) киритиш мақсадга мувофиқ. Биринчидан, истеъмол солиғини киритиш одилонга солиққа тортиш тамойилларига жавоб беради, ўз навбатида, катта суръатдаги истеъмол орқали катта солиқ тушумига эришилади. Иккинчидан, истеъмол солиғи бошқа бевосита ва билвосита солиқларнинг йўқотишларини қоплаши лозим.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги солиқ амалиётига эътибор қаратсак, яратилаётган ЯИМга нисбатан солиқ тўловлари ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар миқдори нисбати юқори ҳисобланади. Лекин, аҳолининг даромад даражаси паст бўлган қатлами учун оғирлик қилади. Айниқса, истеъмол маҳсулотлари учун тўланаётган солиқлар бевосита аҳолининг яшаш даражасига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Яъни улар даромадларининг катта қисмини солиқ ва тўловларга ажратилиши бошқа харажатларнинг қисқартирилиши ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичида асосий вазифа мустақил давлатимизнинг ўз бюджет тизимини шакллантиришдан иборат бўлди. Бу, биринчи навбатда, Давлат бюджетининг барқарор даромадларини шакллантириш ва унинг зарур харажатларини молиялаштиришни таъминловчи мустаҳкам қонуний ва меъёрий база яратилишини талаб қилар эди. Шу мақсадда 2000 йилда «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун қабул қилинди, унда давлат бюджетини режалаштириш, ижро этиш ва назорат қилиш жараёнлари белгиланиб, турли вазирлик ва идоралар, республика ва маҳаллий ҳокимият идораларининг роли ва масъулият соҳалари аниқ чегаралаб қўйилди. Шунингдек, бу борада қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари ҳам қабул қилинди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини босқичма-босқич ўзгартириш ва эркинлаштириш, илгари давлат зиммасида бўлган бир қанча вазифаларнинг хусусий секторга ўтказилиши давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, янги саноат йўналишларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, шунингдек, унинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушининг ортиши бюджет даромадларини бир неча баробар ошириш имконини берди. Истеъмол талаби ва товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида кўшилган киймат солиғи ставкаси 30 фоиздан 20 фоизга туширилди. Бу жараёнда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва



хўжалик фаолиятини жадаллаштириш ҳисобидан бюджетнинг ялпи даромадларида кўшилган қиймат солиғи тушуми барқарор ошиб борди.

Бундан ташқари, 1991 йилдан бугунги кунгача ставкаларни пасайтириш билан бир қаторда солиқлар унификация қилинди, яъни бирхиллаштирилди ҳамда бир қатор бир-бирини такрорловчи ва кам самара берувчи солиқ ҳамда мажбурий тўловлар бекор қилинди. Натижада ҳозирги вақтда Ўзбекистон асосий солиқ ставкалари микдори бўйича солиққа тортиш даражаси юқори бўлмаган давлатлардан бири ҳисобланади, жами солиқ юки эса мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 21,5 фоиздан ошмайди.

Солиқ юкини иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда камайтириб бориш ўз самарасини берди. Миллий бозорни маҳаллий товар (хизмат, иш)лар билан тўлдираётган, экспортга маҳсулот чиқараётган, ички ва ташқи инвестицияларни ишлаб чиқаришга жалб қилаётган, шунингдек, кичик бизнес субъектлари шаклидаги солиқ тўловчиларга солиқ имтиёзлари кенгайтирилишига қарамай, ялпи ички маҳсулот ва давлат бюджетининг даромадлар ҳажмида йил сайин ўсиш таъминланмоқда. Солиқ юкининг камайиши нафақат умумий ҳажм, шунингдек, унинг таркиби бўйича ҳам сезиларли равишда кўзга ташланмоқда.

Республикаимизда солиқ тушумларини ифодаловчи стохастик эконометрик модель қуйидагича шакллантирилди:

$$TSS = f(GNP, TRS, \frac{IMP + EXP}{GDP}, IPS, APS, PGR);$$

бу ерда:

$TSS$  – солиқ тўловларининг ЯИМ улуши, % ;

$GNP$  – Ялпи миллий маҳсулот, млрд. сўм;

$TRS$  – савдо тармоғининг ЯИМ даги улуши, %;

$IMP$  – импорт ҳажми, млрд. сўм;

$EXP$  – экспорт ҳажми, млрд. сўм;

$IPS$  – саноат тармоғининг ЯИМ даги улуши, %;

$APS$  – қишлоқ хўжалигининг ЯИМ даги улуши, %;

$PGR$  – аҳоли сонининг ўсиш суръати, %;

$GDP$  – Ялпи ички маҳсулот, млрд. сўм.

Солиқ тушумларини бошқаришда ҳар бир омилнинг функцияга таъсирини аниқлашда натижавий кўрсаткичнинг ҳар бир аргументи бўйича биринчи даражали ҳосиласи олинади ва кўшилган қиймат ортиш (ёки пасайиш) орқали тасвирланади:

$$TSS = \frac{\partial TSS}{\partial GNP} * GNP + \frac{\partial TSS}{\partial (IMP+EXP)} * (IMP + EXP) + \frac{\partial TSS}{\partial IPS} * IPS + \frac{\partial TSS}{\partial APS} * APS + \frac{\partial TSS}{\partial PGR}$$

Солиқ тушумларининг регрессион тенгламаларини тузиш учун чизикли ва логарифмли-чизикли алгебраик ифодалар қўлланилди.

Чизикли функция:

$$TSS = \lambda_0 + \lambda_1 GNP + \lambda_2 TRS + \lambda_3 \frac{(IMP+EXP)}{GDP} + \lambda_4 IPS + \lambda_5 APS + \lambda_6 PGR + u_1$$

Логарифмик чизикли функция:

$$\log TSS = \log \lambda_0 + \lambda_1 \log GNP + \lambda_2 \log TRS + \lambda_3 \log \left( \frac{IMP + EXP}{GDP} \right) + \lambda_4 \log IPS + \lambda_5 \log APS + \lambda_6 \log PGR + \log U_1$$

Иқтисодиётнинг мураккаблашиб бориши ва у билан бошқариш вазифаларини бажариш қийинлашуви боғлиқлиги давлат харажатлари тенденцияси ўсишига олиб келади, аммо иқтисодиётнинг солиққа тортилувчи аниқ субъектлари (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) солиқ юкини камайтиришга қизиқадилар. Шунинг ҳам ёдда тутиш керакки, жисмоний шахслардан тушган солиқлар умумий солиқ йиғимининг 2-3%ини ташкил қилади, шунинг учун бюджет тушумининг асосини хўжалик юритувчи субъектлардан йиғилган солиқлар ташкил этади. Иқтисодиётдаги ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг муайян иқтисодий вазиятида солиқ юкининг чегаравий қиймати мавжуд бўлиб, унинг ортиб кетиши ишчанлик фаолиятининг кескин пасайишига, агар солиқ юкини кўпроқ ортиб кетса, ишлаб чиқариш қисман ёки тўлиқ ёпилишига олиб келади.

Диссертациянинг «**Солиқ ставкасини оптималлаштириш ва солиқ юкини макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш усулини такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобда республикада солиқ юкининг иқтисодий ўсишига таъсирини, бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлигини тизимли таҳлил қилиш ҳамда солиқ юки динамикасининг бир ва кўп омилли эконометрик моделлари яратилган, функция билан омиллар орасидаги алоқалар чуқур таҳлил қилиниб, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун янги имкониятлар аниқланган.

Макроиқтисодий даражадаги иқтисодий прогноз моделларини тузишда иқтисодий - математик модел ва усуллар ўзига хос ўринга эга бўлиб, улар орасида эконометрик усуллар алоҳида аҳамият касб этади ҳамда мазкур усуллар иқтисодиётга ижобий ва салбий омиллар таъсирини баҳолаш имконини беради. Буларга бир ва кўп омилли иқтисодий ўсиш моделлари, таркибий, тармоқ ва асосий фондларни қайта тиклаш моделлари, инвестицион оқим харажати модели, турмуш даражаси ва истеъмол таркиби моделлари киради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси макроиқтисо-

диётида солиқ юкини таҳлил ва прогноз қилиш эконометрик модели куйидагича<sup>8</sup>:

1. Давлат харажатларининг ЯИМ ҳажмига боғлиқлиги:

$$G = 66,360 + 0,15945GDP$$

$$(6,406) (20,625) R^2=0,997 F=4987$$

2. ЯИМ нинг давлат харажатларига боғлиқлиги:

$$GDP = -294,441 + 6,255168G$$

$$(-3,324) (70,61) R^2=0,997 F=4987$$

3. Иқтисодий ўсишнинг солиқ юкига боғлиқлиги:

а) чизиқли

$$EG = 127,801 - 97,834TB$$

$$(40,17) (6,53) R^2=0,745 F=42,69$$

б) логарифмда чизиқли

$$\log EG = 1,89761 - 0,19545 \log TB \quad R^2=0,736 \quad F=40,15$$

$$(90,95) (-6,337)$$

4. Иқтисодий ўсишнинг давлат харажатларига боғлиқлиги

$$\log EG = 1,9813 + 0,013263 \log G$$

$$(203) (5,007) R^2=0,632 \quad F=25,1$$

5. Иқтисодий ўсишнинг давлат харажатлари ва солиқ юкига боғлиқлиги:

$$\log EG = 1,91593 + 0,006678 \log G - 0,1326 \log TB$$

$$(104,2) \quad (2,609) \quad (-3,828) R^2=0,8206 \quad F=33,04$$

Бу ерда:  $GDP$  – ЯИМ, млрд. сўм,

$G$  – давлат харажатлари, млрд. сўм,

$EG$  – ЯИМ нинг иқтисодий ўсиш суръати, %

